БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 282 (18.460). • Пайшанба, 1982 йил 9 декабрь • Баҳоси 3 тийин.

ОКТЯБРЬ ЙЎЛБОШЧИСИ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

ҚУВА (Фарғона области), 8 декабрь (ЎзТАГ). Бутун Фарғона областидаги энг катта пахтачилик районларидан бирининг маркази — Қувада дунёда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси Владимир Ильич Ленин ҳайкали очилди.

Йўлбошчининг номи билан аталган янги майдонга партия ва меҳнат ветеранлари, Қува саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг вакиллари, пахтакорлар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг ходимлари тўпландилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қизил лентани кесади. Ҳайкал устидаги оқ чойшаб тушиб, йиғилганларнинг кўз олдида Ильичнинг олти метрлик монументал бронза қиёфаси намоён бўлади. Монумент авторлари — ҳайкалтарошлар Э. Алиев, Н. Банделадзе, В. Дегтярев, архитекторлар Д. Латипов ва А. Шокировлардир.

Бўлиб ўтган митинг қатнашчилари мангу барҳаёт Ленин ғояларининг тантана қилганлиги ҳақида, совет халқларининг ягона қардош оиласидаги Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларининг меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошираётганликлари ҳақида, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини меҳнатда муносиб муваффақиятлар билан кутиб олаётганликлари тўғрисида гапирдилар.

Ҳайкал пойига гуллар қўйилди. (ЎзТАГ).

СССР 60

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАБ, КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲОСИЛИ УЧУН ПУХТА ЗАМИН ЯРАТАЙЛИК

ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

Шонли байрам — ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейига саноқли кунлар қолди. Совет кишилари бу шодиёнани коммунистик қурилишнинг барча жабҳаларида эришилган мислсиз муваффақиятлардан фахр-ифтихор туйғуларига тўлган, келажакка катта ишонч билан, меҳнатда янги-янги ютуқларга эришган ҳолда нишонламоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорлари, унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андропов сўзлаган нутқда баён этилган қонда ва ҳулосалар «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик!» шиори остида авж олиб кетган умумхалқ социалистик мусобақасига қудратли куч бағишлади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми, СССР Олий Советининг сессиясида СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ёрқин режалари, ўн биринчи беш йилликнинг муҳим босқичи — 1983 йил марралари тасдиқланиб, қонун кучига киритилди. Ўртоқ Ю. В. Андропованинг Пленумда сўзлаган нутқида партия ички ва ташқи сиёсатининг давомийлиги уқтириб ўтилди, экономикани самарали ривожлантириш масалалари илгари сурилди, ишлаб чиқаришнинг янги катта резервлари, ишдаги камчиликларни бартараф этиш йўл-йўриқлари кўрсатиб берилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII пленуми, Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиясида республикамиз экономикаси ва маданиятини янада юксалтиришнинг келгуси йил плани ва бюджети ана шу юксак позициялардан туриб муҳокама қилинди.

Истиқболнинг ёрқин режалари аниқланиб, планларимиз қонун кучига кирган ҳозирги пайтда партия ташкилотлари, идеология ходимлари олдига ғоят муҳим вазифалар қўйилмоқда. «Партия ғоялари, режалари, даъватлари омманинг қалби ва онгидан жой олган тақдирдагина моддий куч бўлиб қолиши маълум, — деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андропов Пленумда сўзлаган нутқида. — Ҳозир ҳар бир меҳнаткаш планнинг бажарилиши ўзи қўшадиган ҳиссага ҳам боғлиқ эканлигини тушуниб олиши, биз қанчалик яхшироқ меҳнат қилсак, шу қадар яхшироқ яшашимизда иборат оддий ҳақиқатни ҳамма яхши тушуниб олиши, айниқса муҳим ва зарур». Партия ташкилотлари ана шу кўрсатмага оғишмай амал қилиб, СССРнинг 60 йиллигига тайёргарлик жараёнида туғилган ялпи сиёсий ва меҳнат кўтаринкилигини, меҳнаткашларнинг оммавий ташаббускорлигини ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили планларини бажариш учун курашга йўналтирмоқлари лозим.

Белгиланган планлар, қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминламоқ учун бизда бой арсеналга, хилма-хил воситаларга эгамиз. Республика матбуоти, телевидение ва радио ижодий коллективлари Пленум қарорларини пропаганда қилишга изчил киришдилар. Қорақалпоғистон область партия комитети, автоном республика «Билим» жамияти бу ишнинг конкрет тадбирларини ишлаб чиқдилар. Шуни айтиш кифояки, дастлабки кунлардаёқ юзга яқин олимлар, малакали лекторлар, партия комитетининг сиёсий докладчилари меҳнат коллективларида лекция ва суҳбатлар ўтказгани жўнаб кетишди. Тошкент областида ягона сиёсий кунлар ўтказиш тажрибасидан кенг фойдаланилмоқда. Партия ва комсомол сиёсий ўқувлари, иқтисодий умумтаълим мактаблари ва семинарларида бу муҳим ҳужжатларни чуқур ўрганишга киришилди.

Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, ижодий союзлар, «Билим» жамияти ва унинг жойлардаги бўлимлари, идеология фронтининг барча ходимлари шу кунларда пропаганда ва агитация, сиёсий-тарбиявий ишларни бевосита меҳнат коллективларига, планларимизни амалда рўёбга чиқариш учун бутун кучини, маҳоратини, ташаббускорлигини сарфлаётган одамлар орасига кўчиришлари лозим. Белгиланган режаларнинг улуғворлигини тарғиб қилиш улар ҳал этаётган конкрет вазифалар билан боғлаб олиб борилиши айниқса муҳим.

Оммавий ахборот воситалари тармоғи ғоят кенгайган ҳозирги шароитда оғзаки сиёсий агитациянинг, кўргазмали агитациянинг самарадорлигини, таъсирчанлигини, сафарбар этувчи ва руҳлантирувчи кучини ошириш бир қатор проблемаларни ижодий ҳал қилишни тақозо этади. Бу, аввало, лекция ва суҳбатларда меҳнат коллективлари қаётидан тингловчиларни қизиқтирувчи актуал масалаларни дадил кўтариб чиқишдан, лекция ва суҳбатларда ҳаётий воқеалар ва реал фактларга асосланиш маҳоратини эгаллаб олишдан иборат. Шуни унутмаслигимиз керакки, партия илгари сураётган кенг кўламли ва мураккаб вазифаларни умумий тарзда баён қилиш ишимизнинг самарадорлигига, пировард натижасига бирор тарзда таъсир кўрсатмайди. Амалий мулоҳазалар, конкрет вазифалар ҳақидаги жонли фикрлашувгина одамларда планларимизнинг реаллигига, резерв ва имкониятларимизнинг катталигига ишончни мустаҳкамлайди, уларни бугун кечагидан, эртага бугунгидан сифатли, унумли, тежамли ишлашга руҳлантиради.

Минглаб ишлаб чиқариш илғорлари, новаторлар вақтдан ўзиб меҳнат қилмоқдалар. Ўн биринчи беш йилликда ўн йилга ва ундан кўпроқ даврга мўлжалланган планларни бажаришга аҳд қилган ташаббускорларнинг аксарияти шу кунларда 1984—1985 йиллар ҳисобига ишлаётирлар. Уларнинг мафтункор тажрибасини, фан-техника тараққиёти яратиб бераётган имкониятларни кенг, тушунарли ва ёрқин пропаганда қилиш идеология ходимларининг кўндалик ишига айланиши лозим. Бу ўринда гап фақат новаторларнинг муваффақиятларини, иш усулларини ва методларини шунчаки гапириб ўтиш ҳақида бормаётир. Энг муҳими, бу тажрибалар, унумли иш усуллари ва меҳнатнинг самарали методлари бутун тармоқда чуқур ўрганилиши ва эгаллаб олинишига эришишдан иборат. Илғор коллективлар, новаторлар тажрибаси бизнинг бойлигимиз, муҳим резервимиздир.

Планлар, тажрибалар, фан-техника ютуқлари пропагандаси, энг аввало, тегишли ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланмоғи лозим. Бунинг учун меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив усуллари, бригада пудрати методи, ички хўжалик ҳисобига ўтишни тезлатиш зарур. Идеология ходимлари, матбуот, радио ва телевидение бу борада изчил, таъсирчан, амалий иш олиб боришлари керак. Лекция ва суҳбатларда, кўрсатув ва эшиттиришларда, бадиий адабиётда бу проблемалар чуқур очиб берилиши, муаммоларни ҳал этиш йўллари ва воситалари ишонарли, мукаммал, тўла кўрсатилиши даркор.

Биз ССР Иттифоқининг 60 йиллиги тантанали нишонланаётган ғоят муҳим бир даврда ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилига қадам қўймоқдамиз. Шонли юбилей муносабати билан янги, янада юқори босқичга кўтарилган ялпи кўтаринкилик ва меҳнат ташаббускорлиги руҳини сақлаб қолиш ва кучайтириш 1983 йил ва, умуман, ўн биринчи беш йиллик планларини муваффақиятли адо этишнинг ҳал қилувчи шартидир. Партиянинг кўпсонли ғоявий жангчилари бу вазифани ҳам шараф билан бажарадилар, коммунистлар, комсомоллар, барча меҳнаткашларни қолоқларсиз, тежамли, унумли ва сифатли меҳнат қилиш учун курашга сафарбар этаверадилар.

АНДИЖОН. Ип-йигирув комбинати тўқувчилик цехининг дастлабки навбатини монтаж қилиш ишлари СССРнинг 60 йиллигига қадар тугатилиши кўзда тутилган. Бу корхонада ҳар ойда 350 минг метр кўп газлама ишлаб чиқариш имконини беради. Ҳозир бу ерда ишлаб чиқариш жараёнларида узилиш бўлишига йўл қўймасдан 725 та янги тўқувчилик дастгоҳи ўрнатилмоқда.

Суратда: корхонанинг пешқадам тўқувчилари (чапдан) Одина Қобилова, Хосият Раҳмонова ва Ҳайитхон Сандкомилова ўртоқлар. Уларнинг ҳар бири кунлик ва ойлик топшириқларни муттасил 120—140 процент адо этяпти.

Р. Ашуров фотоси. (ЎзТАГ).

Деҳқон бўлсанг шудгор қил!

ЮҚОРИ ҲОСИЛ ПОЙДЕВОРИ

Деҳқончилик, хусусан пахтачиликда экин майдонларини шудгорлашнинг аҳамияти каттадир. Илгари ерлар тўрт-беш тишли плугларда шудгорланарди. Эндиликда деярли ҳамма жойда икки ярусли плугларда ер ҳайдашга ўтилди. Тажриба шуни кўрсатяптики, имконият бўлса кузда, имконият бўлмаган тақдирда қиш фаслида агротехниканинг бу муҳим тадбирини амалга ошириш кутилгандан зиёд наф келтиради.

Мисол учун бизнинг хўжалигимизни олайлик. 1400 гектар майдонда ғўза ўстирамиз. Бундан 12—13 йиллар муқаддам пахтазорлар куз ёки қиш фаслида шудгорланмасдан қоларди. Бунга ер ҳайдаш тракторлари ва малакали тракторчиларнинг етишмаслиги, қолаверса, мутахассисларнинг эътиборсизлиги, бепарволиги сабаб бўларди. Пахта ҳосилдорлиги гектар боши ҳисобига 14—15 центнердан ошмас, планлар бажарилмай қоларди. Натижада хўжаликнинг умумий, колхозчиларнинг шахсий даромадлари ҳам камайиб кетарди.

Биз кейинги йилларда эртаги ёки ўртаги экинлардан бўшаган ерларнигина эмас, балки, ҳар қандай шароитда ҳам пахта майдонларини икки ярусли плугларда 40—45 сантиметр чуқурликда шудгорлашни одат тусига киритдик. Эндиликда бу тадбирни амалга оширишга етарли техника воситалари ва механизатор кадрларга эгамиз. Шунинг учун ҳам бир супра ерни шудгорламай қолдирмаймиз.

Хўш ерларни куз ёки қиш фаслида шудгорлашдан қандай наф кўрилади? Биринчи, чуқур шудгорланган тупроқ қиш фасли давомида ёққан ёмғир ва қордан баҳраманд бўлиб, қатламида кўп ва узоқ муддат сақланадиган нам тўплайди. Баҳорда экилган чигит ана шу табиий нам ҳисобига тўла ва текис ундириб олинади, кўчат сони бут бўлади. Иккинчи, ерни чуқур шудгорлаш натижасида бегона ўтларнинг қуйи қатламдаги уруғи, турли қишлоқ хўжалик зараркунандалари юқори қатламга кўтарилиб, совуқ таъсирида қирилиб кетади. Учинчи, майин тупроқ қатламига ҳаво, ёруғлик, айни кезда қуёш нури яхши ва чуқур сингиб, донадорлигини оширади. Ниҳоят, ер куз ёки қиш фаслида шудгорлаб қўйилса, эрта баҳорда об-ҳаво қандай келишидан қатъи назар карталарни молалаб ёки чизеллаб туриб чигит экишга, бу муҳим ишни қисқа фурсатда ўтказишга имконият яратилади. Юқорида тилга олинган факторларни жамлайдиган бўлсак, кузги ёки қишки шудгор қишлоқ хўжалик экинлари, хусусан пахта ҳосилдорлигини оширишда, айниқса юқори нав эртаги пахтани қўпайтиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

1982 йил пахтачилигимиз учун жуда мураккаб келди. Бизнинг колхозимизни мисолга оладиган бўлсак, баҳорги устма-уст ёққан ёмғир, ёздаги сув танқислиги, кузги табиий офатлар натижасида ғўза парвариши, ҳосил тўплаш ва йиғим-теримда роса бир ой қимматли фурсатни қўлдан бой бердик. Баҳолоқи, теримда ҳосил тақдирини соатлар, дақиқалар ҳал қилади. Кўп қийинчиликларни бошдан кечиришимизга қарамай она-Ватанга 5000 тонна «оқ олтин» етказиб бериб, пахтакорлик бурчимизни яна бир карра шараф билан оқладик. Экинзорларни ўтган йилнинг кузи ва қишида шудгорлаб қўймаганимизда бундай муваффақиятга эришиш амримаҳол эди.

Ерни шудгорлашда яна бир муҳим масалага эътибор беришимиз лозим. Гап шудгорлашдан олдин пайкалларни ўритлаш ҳақида борянти. Ер бағридаги лармондорларни ғўза ва бошқа ўсимликларга бераверib, йил охирига келганда чарчайди, турли ўғитларга эҳтиёж сезади ўзида. Тўғри, карталар ўғитланмасдан шудгорланса ҳам бўлади. Лекин унинг самарадорлиги кутилган даражада бўлмайди. Биз, хўжалигимиз бўйича шудгорлашдан олдин ҳар гектар ер ҳисобига 20—25 тонна фақат махаллий ўғитлар соламиз. Сўнгра агдарма плугларда ҳайдаймиз. Шундай қилинганда гўнг, қўй қийи, эски иморатларнинг чиқиндилари тупроқнинг қуйи қатламига тушиб, қиш бўйи ерни қиздириб оби-тобига келтиради. Баҳорда ана шундай пайкалларга қадалган уруғ бехато ва тез униб чиқади, қайта ёки оласига чигит экишга ҳожат қолмайди.

Бизнинг пахтачилик бригадаларимиз ўртасида ҳосилдорликда деярли тафовут йўқ. Х. Бойматов, А. Мамедов, Ғ. Жаводов, А. Бўронов ва бошқа пахта усталари бошчилик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик йилига 3—4 центнер кўтариляпти, ўртача 35—36 центнерни ташкил этяпти. Ҳосилдорликнинг кўтарилишига сабаб шуки, барча экин майдонлари вақтида, сифатли қилиб, ўғитлар қоришмаси билан ўғитланиб шудгорлаб қўйилди. Йил нечоғли оғир келишига қарамай 13 та пахтачилик бригадамизнинг ҳаммаси ўз олдига қўйилган вазифани шараф билан бажарди.

Терим мавсуми серташвиш келишига қарамай механизаторларимиз қаҳрамонлик кўрсатганларини, ҳозир ҳам фидокорлик билан меҳнат қилаётганликларини айтиб ўтмоқчиман. Гап шундаки, М. Манзуров, А. Хамдиев, Э. Нурмухамедов, Ким Алексей ва бошқа ўнлаб механик-ҳайдовчиларимиз ҳар бир машинада 150—200 тоннадан пахта теришди. Терим тугалланиши билан бункерларни икки ярусли плугларга алмаштириб пахта майдонларини чуқур шудгорлашни қизғин давом эттирмоқдалар. Мен кўп йиллик тажрибага амал қилиб демоқчиманки, пахта майдонларини қиш фаслида ҳам шудгорлаш мумкин ва керак. Фақат шарт шуки, шудгорланадиган ерлар оби-тобида бўлиши, ботқоқланиб кетмаслиги керак. Бордию ботқоқланган ер шудгорланса, тупроқ тузилиши бузилиб, унумдорлиги пасаяди. Бунга йўл қўймаслигимиз керак.

Хўжалик йилини яхши якунлаяпмиз. Лекин ҳали киладиган ишларимиз кўп. Шу муносабат билан айрим актуал масалаларни ўртага ташламоқчиман. Биринчи, ҳамма майдонларда ғўзапоянни илдиз борича тезроқ йиғиштириб олиб, ер ҳайдашни зудлик билан сифатли қилиб тугаллашимиз, бир парча ерни шудгорламай қолдирмаслигимиз, бунинг учун имконият бўлиши билан тракторларни кеча-кундуз ишлатишимиз, механизаторлар мусобақасини кучайтиришимиз лозим. Иш бошида агрономлар ва механиклар турсинлар, иш сифатини назорат қилиб борсинлар. Иккинчи, давлат омборидан ҳар бир хўжалик учун ажратиладиган минерал ўғитларни вақтида ташиб олиб, бостирмалар остида ёки бошқа махсус жойларда кўз қорачиғидай асрашимиз лозим. Айни кезда маҳаллий ўғитлар жамғарадиган бригадалар тузиб ёки аввалгиларини қайта тиклаб, уларнинг фаолиятини бутун чоралар билан кучайтиришимиз лозим. Қиш ойлари бекорчилик эмас. Бас шундай экан, органик ўғитлар тўплаш, техника ремонтини тугаллаш каби ишларни уюшқоқлик билан ўтказишимиз даркор. Шунда баҳорга чиқиб ишимиз енгил кўчади.

Қиш фаслида ҳар бир колхоз ва совхозда механизаторлар тайёрлаш курсларини очиб, камида 20—25 қизғинитни ўқитиб, шу касбга ўргатиш, бу муҳим тадбирни ҳар йили такрорлайвериш керак. Чунки замонамиз — комплекс механизация замонидир. Пахтачилигимизнинг порлоқ келажаги ҳам комплекс механизацияга боғлиқ.

Колхозимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорларини чин юракдан маъқуллайдилар. Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи давраси — 1983 йилда пахта ва бошқа хил қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштириш учун мустаҳкам замин яратадилар.

Жавод КЎЧИЕВ.

Сирдарё область, Комсомол районидаги «Коммунизм» колхози раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

ШАНБАЛИК ОЛДИДАН

НАВОИЙ ЦЕМЕНТЧИЛАРИ 18 декабрда 6 минг тонна клинкер ишлаб чиқаришга қарор қилдилар. Бу — нормада белгиланганидан қариб икки баравар кўндир. Меҳнат байрамига бутун коллектив чиқади.

* * *

САМАРҚАНД ЗАВОДЛАРИ коммунистик шанбалик куниидаги зарбдор вахтага тайёр турибди. Сиёб районининг ўзидагина корхоналар пахта заводлари учун салкам 400 минг сўмлик машина-ускуналар, тикувчилик асбоб-ускуналари, керамик буюмлар ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаради. Автомобилчилар 20 минг тонна халқ хўжалик юкини ташийдилар. Йигирма меҳнат коллективи бу йилги ва беш йилликнинг икки йили план топшириғини 18 декабргача бажариш мажбуриятини олди.

* * *

ТЎЙТЕПА МЕТАЛЛЧИЛАРИ меҳнат байрами программасига беш йиллик зарбдор қурилишлари — Уренгой — Помари — Ужгород газ қувури, Красноярскдаги экскаватор заводи, Ўзбекистон металлургия комбинатининг прокат стани учун 90 тонна конструкция ишлаб чиқарилажагини ёзиб қўйдилар. С. Мирзаев ва З. Димазидинов бошлиқ ишлов берувчилар, В. Ким ва В. Лян бошлиқ пармаловчилар, Я. Сандар бошлиқ йиғувчилар бригадалари шу буюртмаларни бажаришда зўр ғайрат билан ишлашади.

* * *

СУРХОНДАРЁ ШОФЕРЛАРИ шанбаликда 54 минг тонна юк ташийдилар, юкларнинг учдан бири тежалган ёнилги ҳисобига ташилади. Ёрдамчи хизмат ходимлари ҳам энг юқори унум билан ишлайди. Улар 120 та автомашинани ремонтдан чиқаришга ва 130 та автомашинага техник хизмат кўрсатишга, 60 та узел ва агрегатни тиклашга қарор қилдилар.

* * *

ХОВОС ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРИ 18 декабрда элликта оғир вазнли составни тежалган ёқилғи ҳисобидан манзилга етказадилар. Шанбалик куни жами 1264 киши ишга чиқади ва улар учта тепловозни ремонт қиладилар, ўн иккита машинага техник хизмат кўрсатадилар. Бу — одатдаги кунга нисбатан анча кўндир. Темирйўлчилар аньанага кўра, ишлаб топган маблағларини беш йиллик фондига ўтказадилар.

(ЎзТАГ).

ЯНГИДАН ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ

Ўзбекистон пахтакорлари, барча деҳқонлари, меҳнатда эришган ажойиб ғалаба муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг йўллаган Табрикномасини бўлимимиз меҳнаткашлари меҳнат ғайратшижоатига тўлиб баланд руҳ билан кутиб олдилар. Бу Табрикнома бизларни «оқ олтин»ни етиштиришда янги, янада юксак марраларга эришишга руҳлантиради. Қишлоқ меҳнатчилари ишига берилган юксак баҳо янада яхшироқ меҳнат қилиш мажбуриятини юклайди, гектар самарадорлигини янада оширишга, янги резервларни ишга солишга, фан, илғор тажриба ютуқларидан кенг фойдаланишга даъват этади.

Бўлимимиз шу қишлоқ хўжалик мавсумини муваффақиятли якунлади: ҳар гектардан 45 центнер ҳосил олинди, бу эса планда белгиланганидан етти центнер кўндир. Ҳосилнинг кўп қисми биринчи навга қабул қилинди. Ҳозир бўлимнинг ҳар бир пахтакори ўз имкониятларини яна бир бор чамалаб кўриб, беш йилликнинг учинчи йилида пахтадан янада мўл ҳосил етиштириш учун барча зарур ишларни қилишга интилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Табрикномасига жавобан қабул қилган мажбуриятларимизда келгуси йил мавсумда гектар самарадорлигини яна беш центнер кўпайтириш кўзда тутилган. Биз ана шу маррага эришиш учун ҳозирнинг ўзидаёқ ғоят унумли ишлашимиз лозимлигини яхши тушунамиз. Шу кунларда бўлимимиз далаларида ер ҳайдаш ва кўкламги экишга тайёргарлик соҳасидаги бошқа ишлар тез суръатлар билан, юксак агротехника даражасида олиб борилмоқда. Янги мажбуриятни шараф билан бажаришимизга, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларини амалга ошириш ишига муносиб ҳисса қўшишимизга аминмиз.

А. СОЛИЕВ,

Бўз районидаги «Ленинчи» совхозининг бўлим бошқарувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ФЕРМАЛАРГА СЕРМАҲСУЛ ЧОРВА МОЛЛАРИ

7 декабрь куни Тошкентда очилган Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчилари қорамолларнинг қора-ола зот янги типларини яратиш соҳасидаги наслчилик ишининг аҳволи ва истиқболларини муҳокама қилмоқдалар. Мамлакатнинг барча республикаларидан келган олимлар сермаҳсул чорва молларини вужудга келтириш соҳасида тўпланган тажрибани ўртоқлашиб. СССРнинг Озиқ-овқат программасидан келиб чиқадиган вазифалар асосида наслчилик ишини янада ривожлантириш йўлларини белгиламоқдалар.

Кенгаш иштирокчилари Тошкент областидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникумига борадилар. Бу ерда сигирлардан кўп сут согиб олишга эришилган.

(ЎзТАГ).

ОМОНАТ КАССАЛАРИГА—60 ЙИЛ

Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳозирги вақтдаги пул омонатларининг жами миқдори қариб тўрт миллиард сўмни ташкил этади. Республикада даромад олаётган деярли ҳар икки кишидан бири омонат касса аъзосидир.

Совет омонат кассалари ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланиб, 8 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилишда ана шу рақамлар келтирилди. Йиғилишда ўн биринчи беш йилликда аҳолига омонат кассаларининг хизмат кўрсатиш усулларини янада такомиллаштириш, омонат кассаларини ҳисоблаш техникаси ва асбоб-ускуналар билан янада тўлароқ таъминлаш иқтисодий ва социал ривожланишнинг асосий йўналишларида кўзда тутилганлиги таъкидлаб ўтилди. Совет халқи фаровонлигини ошириш, деб қайд этишди йиғилиш қатнашчилари, бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш унун яхши шарт-шароит вужудга келтиради.

(ЎзТАГ).

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилдилар:

Пешку районида — район партия комитетининг секретари ўртоқ Ҳамроев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Раҳмонов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Аҳмедов, район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Холов, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Очилов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Неков, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Ашуров.

Жалолқудуқ районида — район партия комитетининг секретари ўртоқ Топволдиев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Сиддиқов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Қиркизов, район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Лукьянов, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Эралиев, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Ашурбобоев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Шарипова.

Хўжаобод районида — район партия комитетининг секретари ўртоқ Қодиров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ҳасанова, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Абдуҳоликов, район «Сельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Муйдинов, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Қосимов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Юсупов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Қобулова.

60 ЙИЛ — ҚҚАССР МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Эртага Тошкентда Қорақалпоғистон АССР маданияти кунлари бошланади. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланиб ўтказилаётган бу маданият байрами программаси ранг-баранг. Унда қатнашадиган коллективлар ва санъаткорлар орасида Қорақалпоғистон АССР Давлат ашула ва рақс ансамбли, симфоник оркестр, «Қирқ қиз» эстрада-вокал хореографик ансамбли, Қорақалпоғистон АССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг халқ чолғу оркестри, «Қирқ қиз» дуторчилар халқ ансамбли, «Арулар» хореографик ансамбли, Б. Матчанов, Г. Сримбетова, М. Хўжаниёзов, Т. Дошумова, О. Худойшукўров ва бошқалар бор.

Маданият кунларида қардошларимиз саноат ва қурилиш корхоналарида, олий ўқув юртларида бўлишиб, меҳнаткашлар билан, ижодий интеллигенция вакиллари ва студентлар билан учрашадилар. Шунингдек, улар Тошкент областининг қишлоқ хўжалиги илғорлари даврасига ҳам ташриф буюришади.

Газетанинг иккинчи саҳифасида эълон қилинаётган Қорақалпоғистон область партия комитети биринчи секретари Қ. Камолов мақоласида автоном республиканинг шонли 60 йил ичида босиб ўтган йўли ҳақида ҳикоя қилинади.

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛАР ЯГОНА ОИЛАСИДА

Ж. КАМОЛОВ,
Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

Жонажон Ватанимиз миллий масалани ҳал этишнинг ҳақиқий намунасини бутун жаҳонга намоён этди. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг қутлуғ 60 йиллиги бунинг ажойиб мисоли бўла олади. Бу иттифоққа кўпгина миллат ва элатлар бирлашган бўлиб, улар ягона қардошлик оиласида оғаинилардек ахил яшамоқдалар. Шуниси қувончлики, бизда кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи қарор топди. Ленинча миллий сиёсатнинг, халқлар дўстлиги ва қардошлиги сиёсатининг ажойиб, ёрқин тимсоли сифатида Совет Қорақалпоғистонини кўрсатиш мумкин.

Таниқли француз социологи ва географи Элизе Реклю ўтган асрнинг охирларида Қорақалпоғистон ҳақида шундай деб ёзган эди: «Бир неча авлоддан кейин, эҳтимолларга кўра, бу кам сонли, куч-қувватдан маҳрум майда халқ Туркистонда йўқ бўлиб кетади». Бу башорат пуч бўлиб чиқди.

Доно ленинча миллий сиёсат, партия XXVI съездида таъкидланганидек, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб «...Россиянинг собиқ миллий чекка ўлкаларини унинг марказий районларидаги тараққиёт даражасига мумкин қадар тезроқ кўтаришга хизмат қилиб келди. Бу вазифа ҳам муваффақиятли ҳал этилди».

Улуғ Октябрь туфайли қорақалпоқ халқи қайта туғилди дейиш мумкин. Коммунистик партия раҳбарлигида рус, ўзбек ва мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг бегараз ёрдамида асрий қолоқликни бартараф этиб, ўзининг давлатига эга бўлди. Қорақалпоқ халқи тарихан қисқа муддат ичида юз йилликларга тенг йўлни босиб ўтиб, экономика ва маданий қурилишда шаҳдам одимлади.

Совет ҳокимияти йилларида автоном республикада саноат ишлаб чиқариши ҳажми 200 марта ўсди. Илгари ўлкада бир неча ярим кустар шаклдаги ҳунармандчилик корхоналари бўлган бўлса, ҳозирги кунда 98 замонавий корхона ишлаб турибди. Ўтмишда йўл йўқ эди: эндиликда темир йўл ва автомобиль йўлларининг кенг тармоғи барпо этилган. Ҳаво транспорти ёрдамида Москва, Тошкент, бошқа иттифоқдош республикалар пойтахтлари ҳамда мамлакатимизнинг йирик шаҳарлари билан тўғридан-тўғри алоқа йўлга қўйилган.

Қишлоқ хўжалиги беқиёс ўзгариб кетди. Бир пайтлар омоч, мола каби ибтидоий иш қуроллари билан деҳқончилик қилинган бўлса, эндиликда йирик колхоз ва совхозлар замонавий, серунум қишлоқ хўжалиги техникаси билан қуроллангандир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш, табиийки, кескин ошди. Пахта етиштириш 1918 йилга нисбатан 25 марта кўпайди, ҳосилдорлик эса беш баробар ошди. Янги тармоқ — шоличилик умумиттифоқ аҳамиятига молик тармоқ бўлиб қолди.

Жонажон партиямиз XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, партия ва ҳукуматимизнинг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бениҳоя катта ёрдамига суяниб Қорақалпоғистон меҳнаткашлари ўр биринчи беш йилликнинг иккинчи йилини муваффақиятли тугалламоқдалар, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олмоқдалар.

Саноат юбилей йили ўн бир ойлик планини муддатидан илгари бажарди. Пландан ташқари 12,6 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Ўсиш суръатлари 6,3 процентни ташкил этади. Меҳнат унумдорлигини ошириш топшириқлари 107,6 процент қилиб адо этилмоқда, бу йил районларда унинг тўртта филиали ишга тушади. Иккита шоличилик заводи ва йирик цех қурилмоқда, шоли ўриш техникаси ремонти учун база яратилмоқда.

Ўлкамизнинг бой табиий ресурсларидан халқ хўжалиги манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир. Бизда титан-магнетит рудалари, нефть ва газ, гранит ва мармар, каолин ва бентонит, цемент тайёрлаш учун зарур хом ашё конлари, бошқа кўпгина фойдали қазилма конлари топилган.

Қурилиш индустрияси тобора равнақ топмоқда. Бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси тобора равнақ топмоқда. Бинокорлик материаллари саноати ва ёғоч ишлаш саноатининг ишлаб чиқариш қувватлари ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ССР Давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон бўйича бошқармасининг ишлаб чиқариш корхоналарида 1982 йилнинг 11 ойида 1981 йилнинг шу даврига нисбатан 10 процент ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришнинг ҳар бир бўғинида ресурсларни тежаш — ҳозирги даврнинг энг муҳим масалаларидир. Ҳозирги кунда

ҲОРМА ЭНДИ, ҒОЛИБ БУХОРО!

КПСС XXVI съезди ва партия Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми тарихий қарорларини амалга ошириш учун фидокорона меҳнат қилаётган, СССР ташкил топган кунининг шонли 60 йиллигини муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўраётган кўҳна ва навқирон Бухоро области азамат пахтакорлари катта ғалабани қўлга киритдилар. Пахта тайёрлаш бўйича белгиланган халқ хўжалик плани ва социалистик мажбурият ошириб бажарилди. Ватанимиз хазинасига Бухоронинг 510 минг тоннадан зиёд «оқ олтин»и туҳфа этилди. Шундан қариб 26 минг тоннаси саноатимиз учун қиймматбаҳо хом ашё —ингичка толали пахтадир.

Юбилей йилида область партия ташкилотлари пахтачиликни тез суръатлар билан юксалтириш тадбирларини белгилаб, изчиллик билан иш олиб борди. Қўриқ ва бўз ерларни жадал ўзлаштириш ҳисобига пахта майдонлари янада кенгайтирилди. Сув таъминотини яхшилаш мақсадида янги ирригация тармоқлари барпо этилди. Хўжаликларни малакали, тажрибали, ишчан мутахассис кадрлар билан мустаҳкамлаш, меҳнат интизомини янада яхшилаш, барча ерда ташкилий, оммавий-сиёсий ишларни ҳозирги юксак талаблар даражасида йўлга қўйиш, хуллас, ҳамма жойда хўжалик планлари ва мажбуриятларини ошириб ушлаш билан боғлиқ комплекс тадбирларни муваффақиятли амалга оширишда коммунистларимиз авангардлик ва ташаббускорлик ролини ўйнадилар.

Областимиз меҳнаткашлари бу йилги ўзига хос қийин бир шароитда ҳам ялпи пахта салмоғини, ҳосилдорликни кескин оширишга қатъий бел боғлаб майдонга отландилар. Республика партия ва ҳукуматининг оташин Мурожаати барча қатори, областимиз меҳнат аҳлини ҳам янгидан янги зафарларга руҳлантириб юборди. Ҳамма районларда, хўжалик ва бригадаларда етиштирилган ҳосилнинг сўнгги граммигача йиғиб-териб олиб, давлатга топшириш ҳаракати янада қизғин тус олиб кетди.

Пахтакорларимизнинг улкан меҳнат ғалабасига районлар ўртасида қарвонбошилик қилаётган байроқдор Ғиждувон райони, пешқадамлар сафидан ўрин олган Олот, Қоракўл, Ромитан, Бухоро, Вобкент, Когон районлари, айниқса, яхши ҳисса қўшдилар.

МАРДОНА МЕҲНАТ САМАРАСИ

А. КАРИМОВ,
Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари

Ўрни келганда очиғини айтиш керакки, ёзда юз берган кучли ғармсел сабабли йўқотилган ҳосилни қайта тиклаш мақсадида белгиланган қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида ғўза парвариши кўзда тутилганидан узоқроқ чўзилди, белгиланган майдонларда ўз вақтида дефолиация ўтказиш имконияти бўлмаганлигидан мавжуд терим машиналари қувватидан тўла ва унумли фойдалана олмадик. Шунга қарамасдан, етиштирилган ҳосилнинг анча қисмини «зангори кема»ларда йиғиштириб олдик, кўплаб хўжалик ва бригадаларда пахтани етиштириш, йиғиб-териб олиш асосан Тошкент технологияси асосида амалга оширилди, улар бу ажойиб методнинг афзалликларини яна бир карра намойиш этдилар. Когон районига қарашли Қоровулбозор массивидаги Ульянов номли, Ғиждувон районидаги К. Маркс номли, «Коммунизм», С. Айний номли, Энгельс номли, «Зарафшон», Олот районидаги Крупская номли, Энгельс номли, «Ленин йўли», Қоракўл районидаги «Искра», Ленин номли, «Бухоро», «Правда», Ромитан районидаги Ибн Сино номли, Нариманов номли, «Октябрь 50 йиллиги», «Ромитан», Бухоро районидаги «Маданият», «Ленинизм», Вобкент районидаги «1-Қўриқ», Калинин номли, «Зарафшон», Свердлов районидаги Свердлов номли, «Ўзбекистон», Ҳамза номли, Пешқу районидаги «Москва», Жданов номли ва бошқа бир неча хўжаликлар йиллик пахта тайёрлаш планлари ва мажбуриятларини муддатидан олдин бажариб, илғорлар сафидан муносиб ўрин олдилар.

Областимиз пахтакорларининг юбилей йилидаги катта зафарига саноат, қурилиш, транспорт ташкилотлари, ўқув юртлари ҳамда маъмурий идораларнинг коллективлари, мактабларнинг ўқувчилари, ҳатто қарияларимиз ҳам бир сафда туриб муносиб ҳисса қўшдилар. Биз бугунги кунда уларга чексиз миннатдорчилик изҳор этамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда пахтакорларимиз орасидан ўз касбининг ажойиб усталари, пахтадан рекорд ҳосил олувчи миришкорлар, тадбиркор ва билимдон, тажрибали деҳқонларнинг катта отряди етишиб чиқди. Улар сафида Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — Ғиждувонлик Обидахон Ҳамроева, ромитанлик Истам Турсунов, Свердлов районидан Абдулла Кўкламов, Пешқу районидан Йўлдош Эргашев, қатор орденлар ва медаллар қавалерлари Мухтор Орипов, Қўндивой Исломов, Одил Шодиев, Раҳим Шукуров, Қумрихон Отамуродова, Муҳаммад Бўриев, Нур Нуруллаев, Каримбой Зарипов, Қутли Шомуродов, Ондахол Муродова, Ботир Жумаев, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Рўзигул Ҳазратова, Ўғилой Олтинова, Тўхтагул Бозорова, Мукаррама Фузайлова сингари кўплаб донгдор пахтакорлар бор. Улар бошчилик қилаётган бўлим ва бригадаларда пахта ҳосилдорлигини ошириб, сифатини яхшилаш, терими қисқа муддатда ўтказиш борасида каттагина тажриба орттирилган. Ушбу пешқадам коллективларда ҳосилдорлик гектар бошига 55—60 центнерга етказилди.

Эндиликда қишлоқ хўжалиги тараққиётини, айниқса, пахтачиликни техникасиз, механизациясиз асло тасаввур этиб бўлмайди. Йиғим-терим палласида «зангори кема»лар ҳал қилувчи кучга эга. Терим агрегатлари қувватидан унумли фойдаланиш, деҳқоннинг оғирини енгил қилиш, йиғим-терим мавсумини қисқа муддатда якунлаб, келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратиш, илғор техника ва технологияга, фан ютуқларига кенг йўл очиш ҳозирги кунининг актуал проблемаларидан. Бу йил Ғиждувон, Олот, Қоракўл ва Ромитан районларининг қўпчилик хўжаликлари, бўлим ва бригадаларида етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми «зангори кема»лар ёрдамида териб олинди. «Пўлат от» суворийлари ўртасида авж олдирилган мусобақада ромитанлик машҳур механик-ҳайдовчи Раҳим Нарзуллаев бошлиқ ойлавий экипаж аъзоларининг қўли баланд келди. Улар область механизаторлари слётида берган ваъдаларининг устидан чиқдилар ва 1200 тоннадан зиёд дурдона териб бердилар. Шунингдек, Ленин орденли Аҳмад Ҳамроев, Фаҳриддин Қозоқов, Музаффар Рўзиев, Сайфулла Худойқулов, Эркин Тўхтаев, Ҳамро Равшанов, Саноқул Ҳотамов, Ғайбулла Қўлдошев, Ўктам Давронов, Жаҳон Нарзиев, Шоҳмурод Ғадоев каби юзлаб механик-ҳайдовчиларимизнинг ҳар бири 350—400 тоннадан ошириб пахта теришди.

Мавжуд чўл ва массивларни ўзлаштириш йўли билан ўнлаб янги пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар ташкил этдик. Шу йилнинг ўзида ғаллачилик ва чорвачиликка ихтисослаштирилган 9 та хўжалик иш бошлади. Келгусида Аму-Бухоро машина каналини реконструкция қилиб, унинг қувватини бирмунча ошириш кўзда тутилянти. Шунда, Қоровулбозор, Қутчи, Жилвон, Варахша, Мохонқўл, Замонбобо массивларида ер ўзлаштириш ҳажмини янада кенгайтириш, бу массивларда янги совхозлар, колхозлар бунёд этишга катта имкониятлар очилади. Областимизда чорвачиликка ихтисослаштирилган янги Газли районининг ташкил этилиши — бу соҳадаги улуғвор режаларимизни амалга оширишда муҳим қадамдир.

Областимиз меҳнат аҳли пахта билан бир қаторда пилла, дон ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари сотиш планларини ҳам ортиғи билан бажардилар. Шунингдек, чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш ва чорва бош сонини кўпайтириш борасида ҳам қувончли ютуқларга эришилди.

Вобкент районидаги «Зарафшон» колхози заршуносларн юбилей йилида мўл ҳосил етиштирдилар. Об-ҳаво қийинчиликларига қарамай, машиналар суръатига қанот боғлаган дала гвардиячилари план ва социалистик мажбуриятларнинг шараф билан бажарилишига катта ҳисса қўшдилар. Суратда: хўжаликнинг пешқадам механизатори Файзулло Шамсиев.

Марзия Ҳатамовани Шофиркон районидаги «Ленинобод» колхози аъзолари теримчилар сардори дейишади. Моҳир теримчи мавсум давомида фидокорона меҳнат қилди. Унинг колхоз хирмонига қўшган дурдонаси 12 тоннадан ошиб кетди. Суратда: М. Ҳатамова.

Олот районидаги «Шарқ юлдузи» колхозида илғор механизаторлар кўп. Уларнинг қаҳрамонона меҳнатлари туфайли хўжалик заршунослари пешқадамлар сафида ғалаба маррасини эгалладилар. Колхознинг катта хирмонида моҳир механизаторлар Юнус Мирзаев ва Авлиёқул Равшановларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

ПАХТАЗОР ИЛҲОМЛАРИ

ОБИДАНИНГ КЎНГИЛ ДАФТАРИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ғиждувон районидаги «Гулистон» колхози бригада бошлиғи Обида Ҳамроевага бағишланади.

Куз сувидек тиниқ осмон
Зангорланиб туради.
Қуёш ёйиб нур-алвонин
Уфқ бошига уради.

Шунда саҳарги мудроқдан
Борлиқ сергак жонланиб,
Бу алвондан далалар ҳам
Қолдилар алвонланиб.

Эгатларга тушуб олди
Бирдан тарам-тарам нур
Пахтасининг ҳузурига
Шошилиб гўё бир қур.

Тароват бахш этади бирам
Қуёш ўз даласига.
«Олтин кузак» деб қўйди ном
Қуёш бу палласига...

Эрта саҳар... Обидахон
Ширингина энтикди.
Этаклари тегиб турган
Ниҳолга назар тикди...

Ғўзалар «сирли» оғуши
Хаёлин этган асир.
Ўша «сир»да ўй-хуши —
Пайкал кезар бирма-бир.

Ҳосил чўғи чакки эмас,
Кайфияти чоғланди.
Шоир бўлиб гўёки у
Хаёлларга боғланди:

У завқига излар эди,
Ажиб ташбеҳ ва тимсол.
Пешонадан ўпмоқ учун
Чўзилмоқчи лаб мисол —

Лўппи эди бўлиқ кўсак
Унинг наздида бу он.
Таллинмоқда мисол гўдак
Дилга солиб ҳаяжон.

У пахтасин ўхшатмоқчи
Тошаётган туйғуга.
Ёки саҳар таралмоқчи
Бир munaввар ёғдуга.

У кўнглининг дафтарига
Яна шуни тизарди:
— Борлиғимсан, суянчиқ деб,
Пахта расмин чизарди..

Мукаррама ҒАФФОРОВА.

ИСТИҚБОЛ САРИ

Юбилей йилида азамат пахтакорларимиз ерларни экишга ҳозирлашдан тортиб, етиштирилган ҳосилни саранжом-саришталаб олгунгача бўлган жараёнда ҳақиқий жасорат, ақиллик ва уюшқоқлик кўрсатиб меҳнат қилдилар. Район партия ташкилотлари барча коммунистларни, меҳнаткашларни белгиланган план ва мажбуриятларни барвақт тўла, ошириб бажаришга сафарбар эта олдилар. Далада ишловчиларга ғамхўрлик янада яхшиланди. Меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, ўрта бўғин кадрларни танлаш ва жойжойига қўйишга катта аҳамият берилди. Юқори партия ташкилотлари томонидан бериладиган топшириқларни сўзсиз, ўз вақтида бажариш учун масъулият ҳис этиш туйғусини қарор топтириш, қишлоқ хўжалиги ишларида аниқ маром ва агротехника қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш бўйича район партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари кўплаб муҳим тадбирларни амалга оширдилар.

Ҳа, мардонавор қилинган меҳнат ўзининг яхши самараларини берди. Қишлоқ хўжалиги, чорвачилик бўйича барча тармоқлар сингари, пахтачиликда ҳам ажойиб муваффақиятларга эришилди. Давлатга 50 минг тоннадан кўпроқ пахта сотилди. Ялпи ҳосилнинг 85 проценти биринчи сортларга қабул қилиб олинди.

Юбилей йили баракали хирмонини тиклашда коммунистлар авангардлик ролини ўйнадилар. 84 та бошланғич, 178 та бригада цех партия ташкилоти, 19 та партия группаси атрофига маҳкам уюшган 2679 нафардан иборат коммунистлар армияси табиий қийинчиликларни мардонавор енгиб, пахтадан катта хирмон ўйиш учун курашнинг олдинги сафларида, қийин, масъулиятли участкаларда бўлдилар. «Маданият», «Ленинизм», «Москва», «Бухоро», Усмон Юсупов номли колхозларнинг заршунослари районимиз эришган ғалабага ҳосилдорликни гектарига 40—45 центнерга етказиш билан муносиб ҳисса қўшдилар. Бу пландагидан 5—8 центнер кўп демакдир.

Райондаги 208 та пахтачилик бригадасидан қариб 200 таси ошириш мажбуриятни муваффақиятли уддалади. Шу жумладан 40 та бригадада ҳосилдорлик гектар бошига 55—60 центнерга, 65 та бригадада 50—55 центнерга етди. Қолган бригадаларни ҳам илғорлар даражасига етказиш — пахта ҳосилдорлигини ошириш бизнинг келгусидаги катта резервларимиздан биридир. Шу кунларда келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратиш мақсадида кузги-қишки тадбирларни ҳам уюшқоқлик билан ўтказиш чораларини кўряпмиз.

Р. АКРАМОВ,
Бухоро район партия комитетининг биринчи секретари.

МУСОБАҚА ШАРОФАТИ

Биз даламиз — даламизга, қалбимиз — қалбимизга туташ узоқ йиллик қадрдон мусобақадошларимиз. Ишимиз, тўйимиз, маъракамиз ҳам бир-биримизнинг иштирокимизсиз ўтмайди. Лекин, ўзаро текшириш пайтларида камчиликларга нисбатан муросасизлигимизни, талабчан ва принципиаллигимизни, четдан кўрган одам бизларнинг аслида энг қалин ога-инилардек, дўст-биродар эканлигимизга даст-лаб ишонқирамаслиги мумкин. Мисол ўрнида шуни айтиш мумкинки, бизлар сувни, ўғитни, огир кезларда эса ишчи кучи, техникани ҳамиша баҳам кўрамиз.

Аҳиллик, ҳамкорлик, бамаслаҳат иш кўришга асосланган бизнинг мусобақа ҳаракатимиз муваффақиятлар эшигини кенг очиб бермоқда. Диққатга сазовор томони шундаки, бизлар раҳбарлик қилаётган 60 центнерчи бригадаларимиз коллективлари ҳам, биз меҳнат қилаётган юқори ҳосилли колхозлар ҳам районда биринчилардан бўлиб, зафар маррасига етиб келишди.

Йўлдош ЭРГАШЕВ,
Пешқу районидаги «Москва» колхозининг бригада бошлиғи.
Ботир ЖУМАЕВ,
шу райондаги Жданов номли колхоз бригада бошлиғи.

ДИЛ ДАЪВАТИ

Қаламкаш одам ҳамиша ён дафтар билан юради: кўрганларини белгилаб қўйиш учун, дилига келган бирор қуйма сўзни ёзиб қўймоқ учун. Худди ана шундай ён дафтарни мен октябрь ойи ўрталарида сўз ижодкори эмас, балки, «оқ олтин» устаси — Бухоро районидаги «Маданият» колхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи Икром Ҳамроевда кўрдим. Унинг қўйин дафтарида лирик сўзлар эмас, балки, ишчанлик руҳини ифодаловчи иборалар учрайди. Бригаданинг кунлик, ҳатто соатлик топширган пахтаси, аъзоларининг қайси бири қай юмуш билан бандлиги — хуллас, бутун коллективнинг томир уриши, нафас олиши шу дафтарда акс этиб турибди. Икром ака бирор воқеадан таъсирланганда шу ҳаҳдаги фикрларини ён дафтарига битиб қўйган. Мени кўпроқ ана шу сўзлар ўзига тортди. Шунинг учун бригадирдан ён дафтаридаги баъзи ёзувларни шарҳлаб бериш-ни илтимос қилдим.

«Ҳар ким ўзининг мустақил фикрига эга бўлиши керак — бу тўғри. Бошқаларни тинглай билиш ҳам фазилат. Агар сен одамлар фикридан ўзингга фойдали маънони ажрата олсанг, ҳаётда адашмайсан».

Мен шу сўзларни терим бошланиш арафаларида ёзиб қўйгандим. Нима сабаб бўлганини айтаймн? Дефолиацияни ўтказиш муддатлари ҳақида баҳслашгандик. Биров бу ишни ҳозир бошлаш керак деса, яна биров ҳали вақт эрта, ҳосилдан ажралиб қолиш мумкин, дерди. Мутахассисларимизнинг фикри ҳам бир ердан чиқмади. Биз ҳамма томонни ҳисобга олдик: об-ҳаво бюроси маълумотлари билан таниш-дик, кўп йиллик мавсумнинг бориш тарихини (бунинг блокнотга белгилаб келганман) солиштириб кўрдик. Натижада ғўза баргини тўктириш муддатлари етиб келганлигини аниқладик. Тўғри, дефолиация бошланганда ғўза тупларида қаҳ-ли 15—20 процент кўсак очилмаганди. Уни ечиктириш тарафдорлари ҳам ана шу кўсаклар тақдирини ўйлаётганди. Лекин бизда иккита асос бор эди. Биринчидан, кўсак 75—80 процент очилганда дефолиация ўтказиш агротехника қоидаларига мос келади. Иккинчидан ана шу очилмаган кўсақларни кутсак, очилган пахтадан ажралиб қолиш мумкин. Чунки, қуз-ининг серёғин келиши кутилаётганди. Худди шундай бўлди ҳам. Биз пахта теримини ҳавонинг очиқ кунларида авжига чиқардик. Ҳали қўшиб бригадаларда терим бошланмасдан биз-нинг ҳосилимизни ортган тележкалар пункт томон йўл олди. Кунлик суръатла байроқдор бўлдик. Ранси-миз Тоир Эльназаров бригадамизни ўрнак қилиб кўр-сатди. Биз ана шунда адаш-маганлигимизга ишонч ҳосил қилдик. Ҳа, муҳим масалаларда мақбул хулоса чиқ-ришда гап кўп.

«Одам боласига бир оғиз ширин сўз ҳар қандай мукофотдан устун туради. Менингча, қаҳрамонликнинг ҳар қандай кўринишига ҳам илҳомбахш сўз сабаб бўлса керак. Ўт-олов ичига отланаётган жангчи оташин сўздан чексиз қувват олади».

Биласизми, бу ёзувни қачон ёзганман? Мана шу йил 5 октябрда. Бу кун мен учун тарихий кун бўлиб қолди, бир умр эсимдан чиқармайман. 5 октябрь куни йиллик пахта тайёрлаш планини бажарганлик ҳақида колхозимизга ташриф буюрган ўртоқ Шараф Рашидовнинг шахсан ўзларига рапорт бердим. 125 гектар ернинг ҳар гектаридан 42,2 центнердан ҳосил олиб, планни бажарганлигимизни айтдим. У киши бригадамизнинг ҳамма аъзоларига раҳмат айтиб, эндиги режамиз билан қизиқдилар. Мен бригада хирмонини 700 тоннага етказамиз, деб сўз бердим

Бригадамиз аъзоларининг кувонганини айтмайсизми? Ҳадия Рўзиева, Мўборак Болтаева, Латофат Хидирова, Манзура Бозорова, Маржуда Сафарова каби моҳир теримчилар зиммаларига қўшимча мажбурият қабул қилишди. Одамларимиз илгаридан кўра серҳаракат, серғайрат бўлиб қолишди. Шуларнинг ҳаммасига ширин сўз сабабчи бўлганди. Ана шу унутилмас воқеадан сўнг сиз ўқиган сўзларни ёзиб қўйдим.

«Халқнинг турмуш даражасини ошириш, унинг маънавий эҳтиёжларини қондириш — Ленин партияси сиёсатининг буюк инсонпарварлик мақсадидир».

Бу ёзув, аниқроғи, цитата сизга таниш бўлиши керак. Октябрь ойининг ўрталарида цех партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Айни йиғим-терим авж олган даврда ўтказилган йиғилишда асосий мавзуимиз кишилар кайфиятини кўтариш, бинобарин, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида бўлди. Мен ҳам коммунист сифатида йиғилишда сўз олдим. Унда юқоридаги сўзларни ўқиб берю, биз партиянинг ана шу талабига қандай жавоб берямиз, деган саволни ўртага ташладим. Ваъзида қўшни районларга бориб қолсам, ёру биродарлар билан суҳбат қурганимда улар қўпинча «Сизнинг колхозда турар-жой масаласи тўла ҳал бўлган. Ҳатто Бухорога келган чет эллик сайёҳлар ҳам колхозингиздаги ховли-жойларни кўриб ҳайратга тушиб кетишади» деб қолишади. Тўғри, меҳмонларга фахр билан кўрсатадиган жойларимиз кўп. Лекин ҳали кўнглимиз тўлмайдиган жойлар ҳам йўқ эмас: Умуман, ҳақиқий коммунист эришилган маррада тўхтаб қолмаслиги керак. Мен коммунистларнинг эътиборини ишимизнинг ана шу қирраларига қаратдим. Бригадамиз аъзолари турадиган Кўчкисафид посёлкаси ҳали юз фоиз газлаштирилган эмас. Агар посёлка аҳолиси газ билан тўла таъминланса, колхозчиларимизнинг вақти қанча тежалган бўларди. Шу бонс бу масалада кўпчилик мени қўллаб-қувватлади.

Бундан ташқари даладаги шароитни яхшилаш учун нималар қилаётганимизни гапирib берай. Ўзингиз гувоҳ бўлдингиз: Бригада аъзоларимиз учун кунига икки махал иссиқ овқат тайёр. Овқатнинг ҳамма масаллиги ўзимиздан чиқади. Дала шийпонида 4 бош қорамол, 200 та парранда боқилади. Сабзавот пайкали, бор шийпонга туташиб кетган. Бодамчи хўжаликни йўлга қўйиш билан икки нарса ютилянти: биринчидан, таъминот ўзимиздан бўлгач, кўнглимиз тўқ, ишлайверамиз. Иккинчидан, бошқа фондга кўз тикмаймиз. Шунинг ўзи ҳам фойда эмасми?! Ҳа, одамларнинг астойдил ишлаши учун омиллар анчагина.

* * *

Мана, ён дафтардаги ёзувларнинг шарҳи билан таништингиз. Бу, шубҳасиз, бригадирнинг юрак сўзлари. Бундай сўзларга, даъватга маскан бўлган дил соҳиби ҳамиша ғолиб чиқади!

Ш. ЖАББОРОВ.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Область пиллакорлари она-Ватанга 3.197 тонна «кумуш тола» етказиб бериб, катта зафар қўчдилар.

Ғаллакорлар тайёрлов ташкилотларига икки планга тенг ёки 51 минг тонна дон топширдилар.

Сабзавотчилар 61 минг тоннага яқин, полизчилар 24,5 минг тонна маҳсулот сотдилар.

Боғбонлар халқимизга 12,5 минг тонна мева, соҳибкорлар 32,4 минг тонна узум тортиқ қилдилар.

Область қоракўлчилари давлатга 394,1 минг дона қоракўл тери топшириб, катта зафар қўчдилар.

Енгил саноат корхоналарига 3.535 тонна юқори сифатли жун етказиб берилди.

Шу кунга қадар давлатга 17.600 тонна юқори сорт гўшт тортиқ қилинди.

Тайёрланган умумий сут миқдори 50.650 тоннадан ошиб кетди. Тухум эса 35 миллион 900 минг донага етказилди.

Чорвадорлар йил охиригача қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш учун мусобақани кучайтирмоқдалар.

СИФАТЛИ ТОЛА

Пахтакорларимиз ғалабаси биз толачиларни ҳам беқиёс қувонтирди. «Оқ олтин» хирмонимиз ҳеч қачон бу йилгидек қийинчиликлар билан тиклланмаган, салмокли бўлмаган эди. Саховатли заршунослар партиямиз XXVI съезди қарорларини шараф билан бажара бориб, табиат қийинчиликларини мардонавор енгиб ўтдилар, кўзланган зафар чўққисига ғалаба байроғини қададилар.

Тола сифатини яхшилаш бўйича ватанпарварлик ташаббуси билан чиққан илғор пахта тозалаш заводларидан бири бўлган корхонамиз меҳнатсевар коллективи азамат пахтакорлар билан елкама-елка туриб ишлаб, қуввонли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бу йил 96 минг 400 тонна «оқ олтин» ҳосилини қайта ишлаш мажбуриятини олганмиз. Бунинг 8,5 минг тоннасини уруғлик пахта ташкил этади. Жами қайта ишланган хом ашёдан 27 минг 700 тонна тола, 2630 тонна момиқ, 31 минг 850 тонна чигит тайёрлаб тўқимачилик ҳамда ёғ мой корхоналарига реализация қилиш кўзда тутилмоқда.

Юбилей йили баракали ҳосилини қабул қилиш учун заводимиз коллективи катта тайёргарлик кўрдилар, талай техникавий ва ташкилий ишларни амалга оширдилар. Пахтани автоматик қуритиш-тозалаш линияси реконструкция қилиниб, қуввати бир ярим баравар оширилди. Янги, унумдор тола тойлаш пресслари ўрнатилди. Мавжуд 4 та қабул пунктларимизда тўла механизациялашган қуритиш-тозалаш цехлари қуриш киришилди. Ҳамза пахта пунктида эса бундай цех мавсум давомида ишлаб турди.

Заводимиз қошида колхоз ва совхозлардан келадиган хом ашё сифатини аниқловчи лаборатория ходимлари тайёрлаш курси очилиб, уни 25 нафар киши битириб чиқди. Корхонамизда илғорлар тажрибасини ўрганиш мактаби ҳам иш бошлаб юборди. Унда 150 нафар ишчи-хизматчи ўқимоқда. Бунинг устига классификатор ва лаборантлардан иборат йиғим-терим чоғида хом ашёни назорат қилувчи группалар тузилиб, тегишли районларга, хўжаликларга, бригадаларга юборилди. Улар жойларда пахтанинг сифатсиз терилишига йўл қўймаслик чораларини кўрдилар.

Биз, айниқса, Когон районида планни биринчилар қаторида ошириб бажарган «Коммунизм» колхози ва «Бухоро» совхози пахтакорларидан мўл, сифатли пахта етказиб берганликлари учун чексиз миннатдормиз. Айниқса, тажрибали деҳқон Наим Рашидов рақберлик қилаётган «Коммунизм» колхози пахтакорлари кўзда тутилганидан анча кўп сифатли хом ашё етказиб беришди. Колхознинг Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари қавалери Саъдулла Абдуллаев бошлиқ бригада коллективи кўп ва сифатли пахта топшириш мусобақасида энг юксак кўрсаткичга эришиб, пешқадамлик қилди. Бригада ҳозиргача қадар икки йиллик план миқдорида пахта етиштиришга эришди. Икром Тўхтаев, Қосим Ҳамидов каби уста пахтакорлар бошлиқ бригадалардан ҳам сифатли хом ашё олдик.

Мана, икки ярим ойдан ошдики, заводимизда янги пахта ҳосилидан тола ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирга қадар заводимизга ва тайёрлов пунктларимизга белгиланганидан ҳам кўпроқ юбилей йили дурдонаси келиб тушди. Шу кунгача 30 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилдик. Мамлакатимиз ва чет эл тўқимачилик корхоналарига 2000 тоннадан зиёд аъло сифатли тола жўнатдик.

А. КАРИМОВ,
Когон пахта тозалаш заводи директори.

Эстония ССР ҳафталиги давом этмоқда

МАШҲУР БАЛИҚЧИЛИК КОЛХОЗИ

Эстониядаги С. М. Киров номли балиқчилик хўжалигига Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейида балиқчиликда энг юқори кўрсаткичга эришганлиги учун таянч-намуна хўжалиги деган юксак унвон берилган эди.

Бундан 30 йил муқаддам ташкил этилган балиқчилик артелининг имконнятлари ғоятда кичик бўлиб, унинг тасарруфида бир неча қайиқ ва елканли кемачалар мавжуд эди, холос. Шу туфайли ўша йиллари хўжалик эришган ютуқлар ҳам анча паст эди.

Эндиликда у Эстония ССР-даги энг йирик балиқчилик коллективларидан ҳисобланади. Хўжалик ихтиёрида рефрижераторли кемалар, кучли моторли қайиқлар ва бошқа асбоб-ускуналар бор. Хўжаликда кўплаб донгдор балиқчилар етишиб чиққан.

Колхоз балиқни қайта ишлайдиган йирик корхонага ҳам эга. Бу ерда мингдан ортиқ киши фидокорона меҳнат қилмоқда. Бу корхона бутун буржуазия Эстонияси бир йил ичида ишлаб чиқарган маҳсулотга нисбатан уч баравар кўп маҳсулот тайёрлаб бермоқда.

Ҳозирги кунда «Таллин филькалари» мамлакатимизнинг жуда кўпчилик районларига ва чет элларга жўнатилиб турибди. Бундан ташқари, Эстония шпротлари ва юксак сифатли балиқ консерваларига бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Суратда: «Мийдуранна» причалида колхоз кемалари.



ТАСС фотохроникаси.

АХБОРОТ

КЎРКАМ БИНОЛАР

Сўнгги йилларда асфальтланган кенг кўчалар ва янги муҳташам бинолар бунёд этилаётган Балиқчи район маркази борган сари ободонлашмоқда. Бу ерда ҳар йили кўплаб уй-жой ва маданий-маиший объектлар қурилмоқда.

Яқинда улар қаторига яна бир икки қаватли бино қўшилди. Унга район халқ маорифи бўлими кўчиб кирди.

Бу бинони «Узколхозстрой»нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли Андижон область трестига қарашли Балиқчи район колхозлараро механизациялашган кўчма колоннасининг Х. Юсупов бошлиқ участкаси қурувчилари муддатидан анча илгари қуриб, фойдаланишга топширдилар.

ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ

Чуст районидаги Калинин номли ва «Ленинград» колхозларининг деҳқонларидан бу йил ўн тўрт киши ҳовли тўйларини ўтказди. Кенг ва ёруғ хоналардан иборат, томорқалари ҳам бўлган бу уйлар қишлоқ деҳқонларига ғоят манзур бўлмоқда.

Кооператив йўли билан қурилаётган уйларни «Наманганоблколхозстрой» трестининг шу райондаги колхозлараро механизациялашган кўчма колоннаси коллективи бунёд этмоқда. Улар ўтган йили 2 минг квадрат метрдан зиёдрок 20 та кооператив уй-жойларнинг калитини колхозчиларга топширдилар.

ТЕЗКОРЛИК БИЛАН

Хива район колхозлараро механизациялашган кўчма колоннаси коллективи чорвачилик объектларини қуриш бўйича белгиланган йиллик программасини муддатидан анча илгари адо этди.

Йил бошидан буён Энгельс номли ва Фрунзе номли колхозларда ҳар бири 200 бош қорамолга мўлжалланган иккита молхона ва «Партия XXII съезди» колхозида эса 12 мингта товуққа мўлжалланган паррандахона қурилди.

А. ЗОКИРОВ,
«Узколхозстрой» бирлашмаси матбуот маркази мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

1—10 январь кунлари

Мактаб ўқувчиларининг қишки каникул кунларида намойиш қилинадиган спектаклларининг

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1 — Аловуддиннинг сеҳрли шамчироғи (кундузи), Севги ҳақида қисса (кечқурун).
2 — Севги ҳақида қисса (кундузи), Чио-Чио-сан (кечқурун).
3 — Этик кийган мушук (кундузи), Севги учун севги (кечқурун).
4 — Севги учун севги (кундузи), Майсаранинг иши (кечқурун).
5 — Борис Годунов (кундузи), Дон Кихот (кечқурун).
6 — Дон Кихот (кундузи), Травиата (кечқурун).
7 — Этик кийган мушук (кундузи), Уйқудаги гўзал (кечқурун).
8 — Уйқудаги гўзал (кундузи), Масхарабозлар (кечқурун).
9 — Аловуддиннинг сеҳрли шамчироғи (кундузи), Оламнинг яратилиши (кечқурун).
10 — Гўзал Василиса (кундузи), Тоҳир ва Зуҳра (кечқурун).

БИЛЕТЛАР СОТИЛМОҚДА.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон ССР прокуратураси республика Озиқ-овқат саноати министрлиги корхоналарида чакана ўғирликка қарши курашни кучайтиришга қаратилган қонунлар. Маҳаллий саноат министрлиги корхоналарида эса давлат интизомини бузганлиги учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунлар қандай бажарилаётганлигини текшириб чиқди.

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг бир қанча корхоналари рақбарлари ва жамоат ташкилотлари социалистик мулкнинг даҳлсизлигини таъминлаш учун етарли чораларни кўрмаганликлари аниқланди. Жиноий ишлар юзасидан ўтказилган терговлар ва текшириш натижалари шуни кўрсатадики, корхоналарда мулкларни етарли сақлаш чоралари кўрилмаганлиги ва хўжасизлик ҳоллари майда ўғирликка сабаб бўлмоқда.

Масалан, Когон ёғ-экстракция заводи 16 гектар ерни эгаллаган. Корхонани ўраб турган деворнинг бир неча жойи бузилиб, 5 метрдан 10 метргача очилиб қолган. Бунинг устига тайёр маҳсулотлар очиқ майдонда сақланади, завод территорияси тунда ёритилмайди. Оқибатда халқ мулкини ўғирлаш учун шароит вужудга келган. Завод маъмурияти эса бундай аҳволга хотима бериш учун тегишли чора кўрмаяпти. Бунинг натижасида шу йилнинг биринчи ярмида 32 киши заводдан хом ашё ва тайёр маҳсулот олиб чиқиб кетаётганда қўлга тушди.

Фарғона областидаги Ҳамза минерал сув заводида корхона атрофи ҳатто ўраб қўйилмаган.

Озиқ-овқат саноати министрлигига қарашли кўпгина завод ва комбинатларида давлат мулкини чаканалаб ўғирлаганлиги учун жавобгарликни белгиловчи қонунларни бузмоқдалар. Чакана ўғирларга нисбатан муросасозлик, уларни жазосиз қолдириш ҳоллари юз беряпти. Масалан, Тошкентдаги «Ўртоқ» кондитер фабрикасида цехдан турли нарсаларни биринчи марта ўғирлаб чиққан кишилар маъмурият томонидан огоҳлантирилади, холос.

Чакана ўғирликка қарши курашга қаратилган қонунлар ижросида ана шундай жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётганлигига қарамай, жойларда социалистик мулкни қўриқлаш ва давлат интизомини мустаҳкамлаш учун курашда ҳуқуқ воситаларидан етарли фойдаланилмаяпти.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги корхоналарида ҳуқуқ хизмати ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги учун хўжасизлик, ўғирлик, қўшиб, ёзиш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат қонунларини бузиш фактлари тез-тез содир бўлмоқда. Хўжасизлик оқибатида кўпгина корхоналарда ноишлаб чиқариш харажатлари кўпайиб кетяпти. Булар асосан маҳсулот етказиб бериш шартномаларини бажармаганлиги ва маҳсулотнинг сифатсизлиги учун тўланган жарималардир.

Министрликнинг ўзида маҳсулот сифати учун кураш ишлари яхши ташкил этилмаган. Бу ерда шундай аҳвол вужудга келганки, саноат маҳсулотлари сифатини министрликнинг техника бошқармаси эмас, балки Ихтисослаштирилган давлат бадиий конструкторлик-технологик бюроси ходимлари контрол қилиб борадилар. Министрликда текшириш натижалари ҳам кўпинча ўрганилмайди, аниқланган камчиликларни тугатиш чоралари кўрилмайди. Шу сабабли сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришда айбдор бўлган мансабдор шахслар жазоланмай қолмоқда.

Корхоналарнинг раҳбарлари кўпинча назорат органларининг кўрсатмаларини писанд қилмай, планни бажариш мақсадида сифатсизлиги учун реализация қилиш тақиқлаб қўйилган маҳсулотларни истеъмолчиларга юбормоқдалар.

Текшириш яна шуни кўрсатдики, Маҳаллий саноат министрлиги системасида социалистик мулкни даҳлсиз сақлаш учун етарли кураш олиб борилмайди. Пул ва моддий бойликларни ўғирлаш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Область ташкилотлари ва уларга бўйсунувчи корхоналарнинг раҳбарлари амалдаги қонунларга хилоф равишда буйруқлар чиқармоқдалар ва бу билан ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ва бошқа ҳуқуқларини камситмоқдалар.

Республика прокуратурасининг ана шу камчилик ва нуқсонлар умумлаштириб берилган тақдимномаси Озиқ-овқат саноати министрлиги коллегиясининг озиқ-овқат саноати ходимлари касаба союзи республика комитети иштирокида ўтган мажлисида ҳамда республика Маҳаллий саноат министрлиги коллегияси мажлисида кўриб чиқилди ва қонунчиликни бузиш ҳолларига бутунлай хотима бериш учун қўшимча чоралар кўрилди. Қонуннинг бузилишига йўл қўйган айрим мансабдор шахслар тегишли равишда жазоландилар.

«Унинг тўғрисида мен сизга нима ҳам дердим? Солдат ўз командири тўғрисида унча кўп нарса билмайди. Москвага борганингиздан кейин унинг ўзидан яхшилаб сўраб оласиз. У ҳозир Москвада ўқияпти. Қорачадан келган, қизил юз, ўрта бўйли, чаққон, ҳаракатчан. Шундай ҳам топиб оласиз!.. Ёки бўлмаса бизнинг генералдан сўраб кўринг. Ана шунда майор Раҳматуллаев тўғрисида тўла тушунчага эга бўласиз. Генерал бизнинг командирни «ўғлим» дейди

— Батальонинг билан ўнг томонни тўсиб турасан, ўғлим, мен сенга ишонаман, — дегани эсимда!»

Журналист Н. Москвининг 1944 йил 9 мартда «Красная звезда» газетасида босилган «Майор Раҳматуллаев» сарлавҳали ҳикояси ана шундай бошланади. Ҳикоя бир жангчи тилидан ёзилган. Жангчининг айтишича қараганда Мешченский қишлоғи ёнида уларнинг батальони немисларнинг орқасига ўтган бўлади. Шу ерда батальон командири сафдан чиқади. Батальон командирлигини Раҳматуллаев ўз зиммасига олади.

Батальон яширин равишда яқин орадаги ўрмонга жойлашиб олади. Дивизиядан ҳали орқага қайтиш тўғрисида буйруқ бўлгани йўқ, — демак шу ўртада юриб, топширинги бажариш керак. Немислар батальон турган жойни сезиб қолишди. Куч тўплашиб мотоциклда ўрмонга бостириб кира бошлашди. Батальон орқага чекингандек бўлди. Аслида эса ўрмонни айланиб ўтиб, бошқа томондан яна ўша Мешченский қишлоғига кириб олди. Батальонни қўлдан чиқариб юборганидан немисларнинг ҳафсаласи пир бўлди шекилли, яна қишлоққа қайтишди. Батальон эса уларни ўт очиб кутиб олди. Шу пайт дивизиядан жангни тугатиб, орқага қайтиш тўғрисида буйруқ келиб қолди.

Ловать дарёси бўйида, Старая Русса яқинида бўлган воқеани айтмайсизми. Бу ерда ҳам Раҳматуллаевнинг пулемёт батальони жуда аниқ ишлаган. Раҳматуллаев бу ҳужумга батальонни йигирма кун тайёрлаган...

Сўнмас у кунлар шуҳрати

РАҲМАТУЛЛАЕВ ПУЛЕМЁТЧИЛАРИ

Жунайдулла Раҳматуллаев 1919 йилда Самарқандда туғилган. Шу ерда ўқиб, 1938 йилда ўқитувчилар институтини тугаллади, ўқитувчи бўлиб ишлади. 1939 йилда эса Қизил Армия сафида хизмат қилиш учун жўнади. Аввал Курскда хизмат қилди, 1940 йил январида уни педагог ва маълумотли эканлигини ҳисоба олиб, Киевдаги пиёдалар ҳарбий мактабига ўқишга юборишди. Гитлерчилар Германияси Ватанимизга хиёнаткорона бостириб киргандан кейин мактаб бошқа шаҳарга кўчирилди. У ерда бир ойгина ўқиб, лейтенант унвони билан мактабни тугаллади.

Лейтенант Раҳматуллаев пулемётчилари 1941 йил ноябрь-декабрь ойларида Москва осмонини душман бомбардимончи самолётларидан қўриқлади. Улар Қизил Армия уйининг томига жойлашган эдилар. Взвод бир неча бор душманнинг ҳаво атакасини қайтарди, гитлерчи қузғунлар ташлаган ёндирувчи бомбадан кейин чиққан ёғнини ўчиришди.

457-полк 130-Коммунистик дивизия составида 1941 йил 7 ноябрда Москва Қизил майдонида ўтказилган қўшинлар парадида қатнашди. Бу ердан тўғри фронтга йўл олишди. Раҳматуллаевларнинг дивизияси Москва остонасидаги Дмитровка қишлоғига келиб тушди. Раҳматуллаев разведка ротасида взвод командири этиб тайинланди. Душманнинг қанча кучи борлигини билиб келиш учун рота Ясная Поляна қишлоғига келди. Разведкачилар ўрмонга киришганда, рўпарадан совет танки келарди. Бироқ танк разведкачиларни ўққа тута бошлади. Маълум бўлдики, бизнинг танкда немислар ўтирган экан. Разведкачилар дарҳол мудофаага ўтдилар ва воқеани радио орқали дивизия штабига етказдилар. Танк орқадаги қишлоққа қайтиб кетди.

— Қишлоқни жанг билан разведка қилинсин! — буйруқ берди дивизия командири радиодан. Қоронги тушгандан кейин разведкачилар қишлоққа бостириб киришди. Душман танкдан ва тўпдан ўққа тута бошлади. Раҳматуллаев взводидан уч жангчи эмаклаб бориб, тўпни қўлга олишди, уни қайтариб, душманнинг ўзига қаратиб ота бошладилар. Лекин душманнинг қўли баланд келди.

Разведкачилар қўшни қишлоққа чекинишга мажбур бўлдилар. Раҳматуллаев взводи бир уйга кирган эди, у уйда немис офицерлари маишат қилишаётган экан. Уларнинг бошлиғини асир олиб дивизия штабига жўнатдилар. Кечқурун разведкачиларга ёрдам бериш учун яна бир батальон етиб келди. Улар қишлоқни қўлдан чиқармаслик тўғрисида буйруқ олиб келишган эди. Улар биргалашиб уч кунгача немисларнинг ҳужумини қайтариб туришди. Бу воқеа 1941 йил декабрининг биринчи кунларида бўлган эди. 5—6 декабрда эса совет қўшинлари Гарбий ва Калинин фронтларида қарши ҳужумга ўтдилар. Дивизия ўн кун ичида 70—80 километр олға силжиди.

130-дивизия 1942 йил январида Шимоли-Гарбий фронтга ташланди. У ерда Старая Руссадан пастроқда Ловать дарёсининг бериги томонида мудофаада турди. Дарёнинг у томонида эса немисларнинг 16-армияси турарди. Бу ерда Раҳматуллаев пулемёт взводига, сўнг батальонга командирлик қилди. Кейинчалик Москвага Фрунзе номли ҳарбий академия ҳузуридаги бир йиллик курсга ўқишга юборилди.

Худди ана шу ўқиб юрган пайтида газетада ҳикоя эълон қилинган эди. Ҳикоя босилиб чиққандан кейин Раҳматуллаев ҳар томондан кўплаб хат ола бошлади. Бир куни Раҳматуллаев Москва яқинидаги Орехово-Зуево шаҳрида яшовчи Мария деган қиздан хат олди. У қиз ҳам Тимирязев номли академияда ўқир экан. Улар дастлаб хат ёзишиб туришди, кейин Москвада учрашишди. 1944 йил 28 май куни Раҳматуллаев курсдошлари билан Орехово-Зуевога келди. Шу ерда кичкинагина тўй бўлди. Ўша ойда ўқиш ҳам тугади.

Улуғ Ватан уруши ғалаба билан тугаганидан сўнг Раҳматуллаев Ўрта Осиё ҳарбий округи ихтиёрига юборилди. Бу ерда ўттиз йил давомида ҳарбий комиссариатларда хизмат қилди. Ҳозир унинг кўкрагида учта Қизил Юлдуз ордени, кўпгина медаллар порлаб турибди. Бу йиллар ичида майорликдан полковник даражасига кўтарилди.

Жунайдулла Раҳматуллаев истеъфога чиққанидан бери Андижон область ижроия комитетида ишлаб келади.

М. РАҲИМОВ,
Улуғ Ватан уруши ветерани.

ПАРВОЗГА ЧОРЛАЙМИЗ!

1923 ✦ 1983

АЭРОФЛОТ ШИОРИ:

ТЕЗЛИК, ҚУЛАЙЛИК, МЕҲМОННАВОЗЛИК!

Ҳар йили 4,5 миллиондан зиёд йўловчи Ўзбекистон авиаторларининг хизматидан баҳраманд бўлади. Ҳаво саёҳати — вақтни тежайди ва қатор қулайликлар яратади.

Тезучар қанотли лайнерлар сизни беғубор мамлакатимизнинг Ашхобод, Олмаота, Горький, Сочи, Уфа, Куйбишев, Минеральные води, Қозон, Ростов, Киев, Москва, Минск ва бошқа исталган шаҳарларга қисқа вақтда етказиб қўяр олади. Парвозингиз завқли бўлиши ва сизни толиқтирмаслик учун самолётлар барча қулайликларга эга ҳамма зарур ускуналар билан жиҳозланган.

Аэрофлот имтиёзларни тавсия қилаётган пайтда айниқса парвоз қилиш қулайдир. Студентлар ва мактаб ўқувчилари, олий ўқув юртларидаги тайёрлов бўлимларининг тингловчилари ва ҳарбий ўқув юртларининг курсантлари, туристлар, СССР «Спутник» халқаро туризм бюросининг йўлланмаси билан якка тартибда сафарга чиққан саёҳатчилар баҳоси 30 процент арзонлаштирилган авиация билетларидан фойдаланишлари мумкинлигини эслатиб ўтамиз.

Ҳаво йўли марказий агентлигида барча ташкилотлар ва муассасалардан экскурсия ва планли группаларни ташиш юзасидан буюртмалар қабул қилинмоқда. Улар учун ҳам 30 процент миқдорида арзонлаштирилган имтиёзлар таклиф қилинади.

Уруш инвалидлари авиация билетларини 50 процент камайтирилган баҳода олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

ҲУРМАТЛИ САЁҲАТЧИЛАР!

Парвозга тараддуд кўраётганингизда қайтиб келиш учун ҳам билетларни сотиб олишни унутманг!

Аэрофлот Сизларга завқли парвоз ва қизиқарли таассуротлар тилайди!

Маълумотлар олиш учун телефон — 56-08-17.

АЭРОФЛОТ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

1982—1983 ўқув йилида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун

ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов курслари абитуриентларни техник профилдаги олий ўқув юртларининг ҳамма мутахассисликларига кириш учун тайёрлайди.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида қуйидаги фанлар бўйича ўтказилади: химия, физика, математика, она тили ва адабиёти.

Машғулотлар олий ўқув юртларининг кириш имтиҳонлари программаси бўйича юқори малакали ўқитувчилар томонидан олиб борилади.

Институт қуйидаги ихтисосликлар бўйича инженерлар тайёрлайди: тикув буюмларининг модельер-конструкторлари, тикувчилик ишлаб чиқариши технологлари, тўқимачилик ва пахта тозалаш саноатининг механиклари ва технологлари, химиклар, тўқимачилик ва енгил саноатнинг экономистлари, полиграфчилар.

Пуллик тайёрлов курсларига кирувчилар институт ректори номига ёзилган ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (копияси), ўрта мактабни битирувчи синфларининг ўқувчилари эса мактабдан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги икки дона фотосурат.

Ўқиш учун 35 сўм тўланади.

МАШҒУЛОТЛАР 15 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700100, Тошкент шаҳри-100 алоқа бўлими, ГСП. Горбунов кўчаси 5-уй.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ЖОНИВОРГА ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ

Кострома областидаги «Восход» совхозининг механизаторлари ака-ука Жаравинлар ўрмондан ғалати бир ўлжа — катта укки келтиридилар. Улар уккини бута остидан топиб олдилар.

Укки одамлардан қочиб ҳам, учиб ҳам кетмоқчи эмасди, вишиллаб, тумшуқларини қаттиқ-қаттиқ шақирлатарди, холос. Ёвойи қушнинг одатдан ташқари бундай хатти-ҳаракати шубҳа туғдирди, у ё касал, ё ярадор эди. Шундай бўлгач, ёрдам бериш лозим.

Жаравинлар қушни уйга олиб келиб қарашса унинг оёғи жароҳатланиб, шишиб кетибди. Улар онаси — Елизавета Никифоровна билан қушнинг ярасига малҳам суриб, боғлаб қўймоқчи бўлишди.

Ғамхўрлик ва меҳрибонликни сезган қанотли жонивор бўшашиб қолди. Орадан бир ҳафта ўтгач, укки ҳатто қўлдан берилган ўраклни ҳам оладиган бўлиб қолди.

Шундай қилиб, укки Жаравинлар уйида бир ойдан кўпроқ яшади. Тамомила соғайиб кетганидан сўнг ташқарига чиқишни истаб қолди. Шунда Елизавета Никифоровна уни елкасига қўндириб, ўрмонга олиб борди ва қўйиб юборди.

В. ПАШИН,
(ТАСС).

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

БАҲСЛАР ВА ҒОЛИБЛАР

● ГИМНАСТИКА. АҚШда Темпл университети командаси билан ўтказилган халқаро учрашуда совет студент-гимнастикачилари муваффақиятли қозондилар. Бу ғалабага тошкентлик халқаро классдаги спорт мастери О. Отахонов ўзининг ҳалқадаги ажойиб машқлари билан муносиб ҳисса қўшди.

● БАСКЕТБОЛ. Тошкентда олий лига командалари ўртасида мамлакат чемпионатининг якунловчи тур ўйинлари ўтказилмоқда. Тошкентнинг «Университет» командаси олий лигадаги мавқеини сақлаш учун курашяпти. Баскетболчиларимиз Таллиннинг «Калев» (103:73), Киев армиячилари (87:86) билан муваффақиятли куч синашдилар.

● ФУТБОЛ. Тошкентда «Ҳосил байрами» совғини учун ўтказилаётган Бутуниттифоқ турнири давом этмоқда. Ҳозир тўрт учрашувдан кейин 8 очко тўплаган тошкентлик футболчилар пешқадамлик қилишяпти.

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 11 декабрда чиқади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Горячилар қаердасиз! 10.25 — Экранда — кинокомедия. Тўй. 11.40 — Д. Шостакович номли квартет чалади. 12.10 — Ҳужжатли фильм. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.45 — Гандбол бўйича жаҳон чемпионати. Финал группалари командалари матчи. 16.05 — Пушкин ва музика. 18.20 — Миллионлар ленинча университети. 18.50 — Футбол. УЕФА кубоги. «Валенсия» (Испания) — «Спартак» (Москва). Танаффусда — Дунё воқеалари. 20.40 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Фильм-концерт. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.20 — В. А. Моцарт. Квартет.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.45 — Табиатшунослик. 9.55 ва 13.40 — Испан тили. 10.25 — Илмий-оммабоп фильм. 11.05 — Жамиятшунослик. 11.35 ва 12.40 — Музика. 12.05 — Шахмат мактаби. 13.10 — География. 14.15 — М. Е. Салтиков-Шедрин театри. 1 ва 2-қисмлар. 15.45 — Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади? 16.15 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Александр Фадеев. Ижод саҳифалари. 20.00 — Инсон ва қонун. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Архангельское музей-чорбоғи. 21.30 — Время. 22.05 — Денгиз фариштаси. Бадиий фильм. 23.15 Ҳужжатли фильм. 23.20 — Баскетбол бўйича Европа чемпионларининг кубоги. МАСК—Реал (Мадрид).

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Фонарик. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Зоология. 18.05 — Болалар учун фильм. 18.10 — Интернационал дўстлик клуби. 18.50 — Телефильм. 19.15 — Ноннеъмат бунёдкори. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Марказий халқ хўжалиги вазифаси 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ягона онлада. ҚҚАССР 22.55 — Ҳаётий муҳаббат. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-II. 17.55 — Шеърият дафтаридан. 18.15 — Назарий механика. 19.15 — Музикалқ программа. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Музикали программа. (Давоми). 21.00 — Пойтахт области чорвадорлари ҳузурида. 21.30 — Москва-II.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Халқ куйлари. 9.25 — Москва. СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Е. Поляков сўзи. 9.40 — Танбур, дутор, рубоб тароналари. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Малиш. 14.00 — Табаррук самин. 18.15 — Ф. Назаров куйлари. 19.25 — Ёшлик. 20.15 — Қорақалпоғистон АССР Маданият кунлари кундалиги. 21.00 — Инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан. 21.10 — Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари. 21.30 — Чорвадорлар учун концерт. 22.30 — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар М. Дадабоева ва И. Бўронов куйлайди.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/XII да Кузнинг биринчи куни, 10/XII да Бой ила хизматчи.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9/XII да Музикали комедиялардан парчалар (16.00 ва 19.30 да). 10/XII да Гулсара.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСР халқ артисти Иван Рубан раҳбарлигидаги ёввойи ҳайвонлар аттракциони гастроллари (19.30).

«АЛМАЛИКСВИНЕЦСТРОЙ» ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА

йигма темир-бетон монтажи бўйича монтажчилар, ғишт терувчилар, сувақчи-бўёқчилар, электр-газ пайвандчилари, дурадгорлар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли, 1, 15 район коэффициенти ҳамда ишнинг кўчма характери учун 30 процент қўшимча ҳақ тўланади.

Елгизларга қулай ётоқхона берилади, оилалилар эса навбат асосида турар-жой билан таъминланадилар.

Меҳнат дафтарчасининг нусхаси қуйидаги адресга жўнатилсин: 702400, Тошкент области, Олмалиқ шаҳри, Комсомол кўчаси, 6-уй.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-61-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35. Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 2-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02404. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 282.